Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 296 (6. 187) ◉ 1986 йил 26 декабрь, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҲАЁТГА!

## ОЛҒА БОРИБ, ЯНАДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

## ТАЙЁР ХОНАЛАРДАН ҚУРИЛГАН УЙЛАР

Тошкентлик бинокорлар завод цехида тайёрланган тайёр хоналардан дастлабки 9 қаватли уйни қуриб битирдилар. Яқинда ишга тушган ҳажмий блок уйсозлик тажриба комбинати шундай уйларни кўплаб ишлаб чиқара бошлади..

Бу корхонада янгиликлар кўп, шуларнинг энг муҳими — ҳатто технология ҳам эмас, балки ишларни ташкил этишдир. У Ўзбекистоннинг ягона балансда ишлаётган биринчи уйсозлик комбинати бўлди. Одатда бундай корхоналарда панель ясайдиганларнинг меҳнатига темир-бетон кубметрларига қараб баҳо берилади, уй-жойларни монтаж қилувчилар меҳнатига эса квадрат метрларга қараб баҳо берилади. Шундай қилиб битта комбинатдаги икки бўлинманинг манфаатлари кўпинча бир-бирига тўғри келмайди. Натижада ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетади.

Бу ерда эса муваффақият мезони ҳамма учун битта. Бутун коллективнинг меҳнатига кубметрларга қараб эмас, балки пировард маҳсулот, ишга туширилган уй-жойга қараб баҳо берилади.

Комбинат тузилишида саноат базаси билан қурилиш оқимидан иборат иккита бўлим қолди. Қурилиш оқими ишларни «полдан то калит топширилгунча» олиб боради.

Улкан ишлаб чиқариш корпусида девор панеллари ва бутун-бутун хоналар, зиналар ва зина майдонлари, балкон ғовлари тайёрланмоқда. Мураккаб жараёндан кейин иссиқ камералардан эшик ва дераза ўринлари қолдирилган ҳажмий блокли хоналар тайёр бўлиб чиқади. Тайёр сантехханалар (ваннахона ва туалет), вентиляция блоклари шу ерда монтаж қилинади. Олдиндан қолдирилган каналларга электр сими ўтказилади.

Шундан кейин пардозлаш цехига ўтилади. Тўртта поток конвейер линияларда блокларга тўсиқлар қўйилади, эшик-деразалар ўрнатилади, сантехника шкаф ва антресоллар монтаж қилинади. Шундан кейин кафель ва метлах плитка ёпиштирилади, деразаларга ойна солинади, сувоқ ишлари бажарилади.

Хуллас, хона объектга етиб келганида уни зилзиладан сақловчи белбоғлар билан туташтириш, коммуникацияларни улаш, линолеум тўшаш, обой ёпиштириш ишларигина қолади. Бундай оқим қурилиш ишларин анча тезлатишга, энг муҳими эса уй-жой сифатини кескин кўтаришга имкон беради. Чунки пардозлаш ишлари очиқ ҳавода эмас, балки қулай шароитларда, цехда ҳеч қандай монеликсиз олиб борилади.

Ҳозир Тошкентда ҳажмий блоклардан яна учта 9 қаватли уй монтаж қилинмоқда. Шундай уйларнинг ҳар бирида 72 тадан квартира бор. Бундай қурилиш методининг нафли эканлиги дастлабки ойлардаёқ маълум бўлди-қўйди. Тайёр хоналардан, архитекторнинг ўй-ниятига кўра, ҳар қандай шаклдаги ва узунликдаги биноларни монтаж қилиш мумкин. Корхонада ишлаб чиқарилаётган БТС-01 сериядаги тўққиз қаватли уйларнинг квартиралари икки хонадан олти хонагача боради.

Комбинат лойиҳадаги қувватини ҳали тўла-тўкис ўзлаштиргани йўқ, ҳал бўлмаган проблемалар оз эмас. Шу беш йилликда у пландаги ишлаб чиқариш қувватига эришиши —тошкентликларга ҳар йили 121 минг квадрат метр саҳнли уй-жой тайёрлаб бериши керак.

А. БЕЗВЕРХОВ,
ЎзТАГ мухбири.

## НОВВОЙЛАР ИМТИҲОНДАН ЎТМОҚДАЛАР

«Ташкентхлеб» бирлашмасининг заводлари сифати оширилган янги хил нон ёпиб чиқара бошладилар. Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси илгари нотаниш «Дарницкий», «Российский» «Столичний» нонларига ва уч хил сортдаги «Оқ нон»га юксак баҳо берди. Нон калориясини ошириш ва суви қочиб қолмаслиги учун тегишли тадбирлар кўрилди. «Российский» нонини ёпиш учун республикамизда илк бор лавлаги шинниси ишлатилди.

«Узхлебпром»га қарашли 22 корхонанинг ҳаммаси янги маҳсулотни ёпиб чиқара бошлайди.

(ЎзТАГ).

## Замондошимиз



## БУРЧГА САДОҚАТ

**Ҳасан Каримов 9-шина ремонти заводида иқтисодчи бухгалтер бўлиб ишлайди. Таржимаи ҳоли тенгдошлариники сингари. Ўрта мактабни битирганидан сўнг автомобиль ва йўллар институтида ўқиган. Экономика факультетига омадини синаб кўриш учун эмас, катта умид ва мақсад билан кирган. Нияти ота касбини давом эттириш эди. Уддалади. Корхонага берилган йўлланмани топшириқ сифатида қабул қилди. Демак, шу корхона учун керак, умум ишига қўшадиган ҳиссаси шу ердан бошланади. Ана шу тушунча қунт ва иштиёқ билан ишлашга ундади.**

**— Ҳамма қатори армияга чақирилдим. Хизматни ўтаб бўлганимдан кейин яна заводга қайтиб келдим. Ишлаяпман, — деди Ҳасан ўз ёшига хос бўлмаган босиқлик билан.**

— Қаерда хизмат қилдингиз?

**—Буни тақдир тақозоси дейиш мумкин. Бир нарсани айтай: Мен Афғонистонда хизмат қилдим. Ўзимнинг интернационал бурчимни адо этдим. Мен бундан хурсандман.**

— Ўрта бўғин ва кекса авлод вакилларининг ҳозирги ёшлар бўш, қийинчилик кўрмай катта бўляпти, деган фикрига қандай қарайсиз?

**— Аввало, бу қатъий хулоса эмас, айрим кишиларнинг шунчаки фикри, деб ўйлайман. Қолаверса, ҳақиқатдан йироқ. Тўғри, тўкин сочинлик, башанг кийиниш, ўқиб-ўрганиш учун яратилган тўкис шароит давримизга хос. Биз бунинг учун боболаримиз, ота-оналаримиз захмат чекишганини биламиз. Замонавий музика оҳангига мос жозибали рақсга тушаётган, кафеда музқаймоқ тамадди баҳонаси билан муҳаббат масаласини ҳал қилаётган бахтиёр ёшларни кўрганда айримлар беихтиёр ўз ёшликларини эслашади. Таққослашади. Бу нотўғри. БАМни ким қуряпти! Сирдарё ГРЭСини ким қурган! Комсомол-ёшлар! Комсомол-ёшлар бригадалари корхона, қурилиш, пахтазорда хўжалик ва социал масалаларни ҳал қилишда ибрат кўрсатаётганига нима дейсиз! Йўқ, биз эркатой эмасмиз. Бурчимизни бажаришга ҳамиша қодирмиз.**

(Давоми 2-бетда).

## КОМСОМОЛ РЕКОРДЛАРИДАН ОММАВИЙ МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ САРИ!

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикув-бичиқчилик цехида ана шу шиор остида профессионал маҳорат конкурси ўтказилди. Конкурс ВЛКСМнинг XX съездига бағишланди. Беллашув олдидан комсомол активлари конкурс қатнашчилари зарур материаллар билан таъминланиши тўғрисида, машина-ускуналарнинг аниқ-пухта ишлаши ҳақида ғамхўрлик қилдилар.

Мана, айни бир вақтда ўнлаб машиналар ишга туширилди. Трикотажчилар иш суръатини кучайтириб юбордилар. З. Кудряшова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг ходимлари ажратилган вақт ичида бир минг олти юздан зиёд трикотаж буюм ёки нормада белгиланганидан уч юзта кўп буюм тикдилар. Улар тайёрлаган маҳсулотнинг кўп қисми энг юқори сортга қабул қилинди. Бу коллективга конкурсда биринчи ўрин берилди. Иккинчи ўринга сазовор бўлган Х. Тўхтахўжаева бошлиқ бригада ундан сал орқада қолди.

Конкурс давомида коллектив натижаларигагина эмас, шу билан бирга тикувчи мотористларнинг шахсий ютуқларига ҳам баҳо берилди. Улар ўз ишларида юқори натижаларга эришаётганликларини ва назарияни яхши билганликларини намойиш қилдилар. Бунда комсомол аъзоси М. Абдураҳимова намуна кўрсатди. У ҳамма саволларга жавоб қайтарди, иш суръатлари жиҳатидан эса унга тенг келадиган ходим бўлмади. М. Абдураҳимова топшириқни белгиланган муддатидан уч баравар тез бажариб, ғолиб чиқди.

Касб конкурси ёш трикотажчиларнинг давлат қабули шароитида ишлашга ўтиш учун юксак даражада шай эканликларини тўлароқ аниқлаш имконини ҳам берди.

* * *

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ВЛКСМ XX съезди шарафига меҳнат вахтасида турган 50 та комсомол-ёшлар коллективи ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг навбатдаги босқичида ип фабрикасидан Роза Галимова бошлиқ калавачилар бригадаси ғолиб чиқди. Бу коллектив топшириқни мунтазам равишда бир ярим баравар ошириб бажармоқда. Меҳнат мусобақаси шартларига кўра, иш якунларини чиқарган чоғда ишлаб чиқариш кўрсаткичларигина эмас, шу билан бирга ходимларнинг ижтимоий ҳаётда, комсомол сиёсий ўқишида қатнашиши, технология ва меҳнат интизомига риоя қилиши ҳам эътиборга олинади. Илғор коллектив ана шу кўрсаткичлар барчаси бўйича олдинда эди.

Мусобақа авж олдирилмоқда. Дастлабки натижалар ҳам маълум бўлди: корхонада топшириқни бажармаётган биронта ҳам комсомол-ёшлар бригадаси қолмади.

## ПЛАНГА ҚЎШИМГА 100 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига қарашли Тошкент тажриба-механика заводи маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик планни муддатидан икки ҳафта аввал бажарди. Ҳозир коллектив йил охиригача планга қўшимча яна 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун курашяпти. Коллектив бу мақсадига эришса, заводда йил бошидан бери реализация қилинган маҳсулот ҳажми 2 миллион 840 минг сўмликдан ортиб кетади.

Корхонада кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор беріляпти. Кейинги бир йилда бу ерда енгил автомобилларнинг глушители учун эҳтиёт қисмлар, теша ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Заводдаги цехлараро социалистик мусобақада механик-йиғув цехи мунтазам пешқадамлик қиляпти. Бу цехда олтита бригада бўлиб, улар ўзаро мусобақалашиб меҳнат қиляпти. Коммунистик меҳнат зарбдори Константин Корчагин бошчилик қилаётган комплекс бригада иш вақтининг ҳар бир минутидан оқилона фойдаланиб, юқори сифатли маҳсулот тайёрламоқда. Заводдаги социалистик мусобақада мунтазам энг яхши кўрсаткичларга эришаётган мазкур бригада коллективи завод дирекцияси, касаба союз ташкилотининг дипломи ва пул мукофотларига бир неча марта сазовор бўлди. Ҳозир коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига қадар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили топшириғини бажариш учун курашни қизитяпти.

## СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистонда бошланган кино фестиваль Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган кунга бағишланди. Фестиваль республика пойтахтида «Тенг ҳуқуқлилар оиласида» ҳужжатли лентасини кўрсатиш билан очилди.

Экранларда мамлакат студияларида яратилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. Сеанслар бошланиши олдидан томошабинлар фильмларни яратган режиссёрлар, операторлар, артистлар билан учрашадилар.

Шундай учрашувлардан бири Тошкентдаги «Искра» кинотеатрида бўлиб ўтди. Бунда ёш режиссёр Фарид Давлетшиннинг «Амирнинг махфий саёҳати» лентасининг премьераси бўлди. Советлар ҳокимиятининг дастлабки йиллари Туркистондаги воқеаларни кўрсатувчи картина пролетар интернационализми кучини ёрқин ифодалайди. Фильм постановкачиси, бош ролларни ижро этган Машраб Кимсанов, Гулнора Абдураҳмонова, Альбина Эстеркина бу картинанинг яратилиши тўғрисида гапириб бердилар.

(ЎзТАГ).

## ПЎЛАТ ИЗЛАР ОҚИМИ

**Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг Собир Раҳимов районида жойлашган 14-рельс пайвандлаш поезди коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида ғалаба рапортини берди.**

Ўрта Осиёнинг барча темир йўл участкаларига ҳаммаси бўлиб узунлиги 520 километрдан зиёд темир излар жўнатилди. Пайвандловчилар йил охиригача яна 20 километр узунликда пўлат излар тайёрлаб беришга аҳд қилдилар.

Бундай муваффақиятнинг қўлга киритилишига меҳнат зарбдорларидан Ю. Цвентук, П. Горшков, Б. Адиев, М. Каримов, М. Топоров ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Улар смена топшириқларини доимо 150 процентга етказиб бажаришмоқда.

Корхонада техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Темир йўлларда поездларнинг бир издан иккинчисига ўтиши учун хизмат қиладиган крестовинани тайёрлаш жуда машаққатли эди. Рельссозлар Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг олимлари билан ҳамкорликда ана шу жараённи автоматлаштиришга киришдилар. Крестовина тайёрлаш учун махсус автомат ускуна яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Меҳнат унумдорлиги икки марта ошди. Эндиликда, йилига 1200 та крестовина тайёрлашга эришилмоқда. Бундан ташқари бевосита темир йўл изида туриб рельс пайвандлайдиган такомиллашган машина мутахассислари йил давомида 250 километрга яқин рельсни созлаб бердилар.

## Илғорлар мажбурияти

БУГУН

**пойтахтимиздаги 2-маршрутли таксилар автотранспорт корхонаси ҳайдовчилари йил бошидан бери 19 миллион 500 минг йўловчини ташиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда 3 миллион 600 минг сўмлик ҳажмида касса даромади олинишини таъминладилар. Бу беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган план-топшириғи ва мажбуриятларида белгиланганидан юқоридир.**

Бу йил 4 та янги такси маршрути очилди. Бу маршрутлар шаҳар марказини Ўзбекистон пойтахтининг энг чекка микрорайонлари билан боғлади. Мусобақада Юрий Арсентьев, Жўра Йўлдошев, Александр Постников, Суннат Ҳалилов бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилишди.

Автотранспорт корхонасининг 30 ҳайдовчиси бугунги кунда 1987 йилнинг март ойи ҳисобига ишлаяпти. 100 дан ортиқ автотранспортчи беш йилликнинг икки йили топшириғини Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бажариш мажбуриятини олган.

М. САВЕЛЬЕВ.

## «АДАБИЁТНИНГ УЧҚУР ҚАНОТЛАРИ»

Куни кеча шонли Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 70 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон ССР фанлар академияси Президиуми мажлислар залида «Адабиётнинг учқур қанотлари» деган мавзуда шоирлар ва олимлар учрашуви бўлиб ўтди.

Адабий кечани Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг бош илмий котиби, академик А. Мусаев кириш сўзи билан очди.

Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Правлениесининг раиси, таниқли ёзувчи Ўлмас Умарбеков олиб борди.

Шонли санага бағишланган кечада Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретарлари, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг лауреати, таниқли шоир Абдулла Орипов, шоирлардан Усмон Азимов, Омон Матжон, ёзувчи Пиримқул Қодиров, Бахтиёр Назаров, Салоҳиддин Мамажонов ва бошқалар қатнашдилар. Абдулла Ориповнинг янги шеърлари кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Ушбу адабий кечада шоир ва ёзувчиларимиз янги асарлари билан йиғилганларни таништирдилар.

Ўзбекистон фанлар академияси илмий муассасалари олимлари ҳам сўзга чиқишиб, сўнгги йилларда олиб борилаётган ажойиб тадқиқот ишлари билан адабиётимизнинг учқур қанотларини таништирдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар ўз навбатида Ўзбекистон ёзувчилари, республика олимлари КПССнинг XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ва яқиндагина бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III Пленуми қарорларини изчил ҳаётга тадбиқ этаётганларини айтиб ўтдилар.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

## ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИНИ САҚЛАЙЛИК ВА КЎПАЙТИРАЙЛИК

Фольклор меросидан кенгроқ фойдаланиб, миллий-этнографик ижодиёт руҳини сақлаб, халқ коллективларини оммавий байрамларда қатнашишга актив жалб этайлик. Тошкентда ўз ишини тамомлаган илмий-амалий конференцияда ана шундай тавсиялар ишлаб чиқилди. Конференцияни Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, А. С. Пушкин номидаги республика тил ва адабиёт институти, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик маркази уюштирди.

Конференция иштирокчилари энг яхши фольклор коллективлари тажрибасини кўриб чиқдилар ва умумлаштирдилар. Уларнинг репертуарини яхшилашга эътибор жалб қилинди. Янги фольклор экспедицияларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар қабул қилинди.

Конференция охирида халқ коллективлари ва ансамблари «Баҳор» концерт залида ўз маҳоратини намойиш этдилар. Концертда Ўзбекистоннинг барча районларидан вакиллар қатнашди.

## ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БАЙРУТ. «Хавфсизлик зонаси» деб аталмиш зона миқёсида Зимрай тепалигида жойлашган Исроил танклари Мимас аҳоли пункти атрофларига фосфорли снарядлар ёғдирди. Натижада ёнғинлар чиқди, экинларга катта зиён етди. Бекаа водийсининг жанубий қисмида, шунингдек Шуая ва Хаспани қишлоқларининг атрофида босқинчилар аҳолини пулемётлардан ўққа тутдилар.

Мамлакат жанубидан олинган хабарларга кўра, Ливан ватанпарварлари қаршилик фронтининг жангчилари Ятер аҳоли пункти районларида ва Ахмадия тепаликларида агрессорнинг мустаҳкамланган позицияларини ракета ўқига тутганлар. Партизанларнинг муваффақиятли ҳаракатлари натижасида Исроил оккупациячи қўшинлари аскар ва техникадан талафот бермоқда.

Ўтган кунлар мобайнида Исроил авиацияси Ливан территорияси устида иғвогарлик мақсадида разведка учишлари қилди. Агрессорнинг самолётлари Байрут ва Сайда устига келганда бир неча бор товуш тезлигидан ўзиб уча бошлади. (Маълумки бунда қаттиқ қарсиллаш бўлади).

Фаластинлик қочоқлар лагерлари районларидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Ўтган кунлар мобайнида Байрут шаҳар атрофида «Амал» ҳаракати билан Шатила ва Бурж Ал-Баражна лагерларидаги фаластинликлар ўртасида отишмалар чиқди. Ўлганлар ва ярадорлар бор.

БАҒДОД. Бош ҳарбий қўмондонлик ахборотида маълум қилинишича, ўтган кунларда Ироқ авиацияси 210 марта, кейинги уч кунда 577 марта жанговар учиш қилган. Самолётлар Шуш, Сумар районларида ва Керманшоҳ (Бахтаран) шаҳрида душманнинг ҳарбий лагерлари ва қўшинлари йиғилган жойларга ҳужум қилди. Ахборотда Керманшоҳдаги цемент заводи, Шоҳободдаги (Исломободе ғарб) ҳарбий омбор ҳамда «Имом Хасан» конидаги нефть ҳайдайдиган станция бомбардимон қилинганлиги айтилади. Эрон соҳили ёнида танкер ва икки «денгиз нишони» маҳв этилган.

Эрон самолётларининг Сулаймония ва Ханакин шаҳарларига қилган ҳужумлари натижасида 12 киши ўлган ва 100 киши ярадор бўлган. Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси Ироқдаги бир қанча шаҳарлар ва аҳоли пунктларини тўпга тутди, дейилади ахборотда.

НИКОСИЯ. Эрон авиацияси Ироқнинг Али ал Ғарбий ва ал Микдадия шаҳарларидаги иқтисодий ва ҳарбий объектларни бомбардимон қилди деб хабар беради ИРНА агентлиги. Ўтган кунлар мобайнида артиллерия фронт линияси бўйлаб, Ироқ территориясининг ичкарилигида душман қўшинлари йиғилган районларни тўпга тутишни давом эттирди. Басра тўп ва ракета ўқига тутилди. Абдаллах бўғозида Эрон ҳарбий денгиз кучлари Ироқнинг учта ҳарбий кемасини ғарқ қилиб юборди.

Ироқ авиациясининг Исломободе Ғарб ва Бахтаранга кеча қилган ҳужумлари вақтида 72 киши ўлди ва 200 дан кўп киши ярадор бўлди, деб хабар беради агентлик.

ВАШИНГТОН. АҚШ мудофаа министрлиги «Нимиц» классига мансуб яна иккита атом авианосецини қуришга қарор қилди. Ҳарбий идора расмий вакилининг айтишича, идора ана шу мақсадлар учун 1988—89 молия йилларида конгрессдан 1,4 миллиард доллар сўраш ниятидадир. Пентагоннинг ҳисоб-китобларига кўра, шу кемалар жами 6,9 миллиард долларга тушади. Уларнинг биринчиси 1995 йилда, иккинчиси эса 1998 йилда сувга тушиши кутилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё океанида АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг 14 та авианосеци сузиб юрибди. Шулардан 4 тасига ядровий мотор ўрнатилган. Америка кемасозлик корхоналарида «Авраам Линкольн» ва «Жорж Вашингтон» атом авианосецлари ҳам қурилмоқда. Бу кемалар 1989 ва 1991 йилларда сувга туширилади. Шундай қилиб, Қўшма Штатлар денгизларда ҳарбий стратегик жиҳатдан устунликка эришиш мўлжалида ўз ҳарбий-денгиз кучларининг қувватини анча мустаҳкамлаш умидидадир.

## СОВЕТ САНЪАТИ ЛЕКТОРИЙСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида «Совет санъати» лекторийси ташкил этилди. Лекторий «Совет санъатининг тараққий этиши», «Ўзбекистон тасвирий санъати», «60 —70 йилларда Тошкент рассомлари», «Совет Ўзбекистонида ҳайкалтарошлик» каби суҳбатлардан ташкил топган.

Суҳбатлар музей илмий ходимлари томонидан рангли тасвирларда акс этган расмлар иштирокида олиб борилмоқда. Машғулотларда санъатга оид фильмлар намойиш этилаётир.

М. АҲМЕДОВ.

## БАДИИЙ-САНОАТ ВИСТАВКАСИ

Тошкентда очилган «Ўзбекистоннинг халқ ва декоратив-амалий санъати» республика бадиий-саноат виставкасида эскилик ва замонавийлик пайваста бўлиб кетган. Виставка республика усталарининг халқ бадиий ҳунармандчиликлари билан таништиради. Бу ерда совғалар ва ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари илк бор ўз экспонатларини кўрсатмоқда.

(ЎзТАГ).

